

• ЎзХДП ҳаёти

ТАШАББУСКОРЛИК УЧУН ҚОНУНИЙ ВАКОЛАТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий фаолликни янада ошириш;

— ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар курилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтириш;

— ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш.

Кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун ўшбу қонун лойиҳаларида қатор ҳуқуқий механизмлар ҳам тақлиф этилмоқда. Сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ҳокимият органларини ташкил этишдаги фаол иштирокни таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилмоқда.

Шу йўл билан давлат бошқарувини янада демократлаштиришни таъминлаш қонун чикарувчи ҳокимият, ҳукумат ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, иш юритишлари учун масъулиятини ошириш зарур.

Пленумда таъкидландики, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми қонун лойиҳаларининг принципиал қоидаларини қўллаб-қувватлайди, уларнинг қабул қилиниши партияларнинг устав

фаолиятининг янада фаоллашувига хизмат қилади, фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимининг бу муҳим институтларининг ишида бевосита иштирок этишга қизиқишини оширади, деб ҳисоблайди.

Маърузада маҳаллий партия ташкилотларида қонун лойиҳаларининг муҳокамасини ташкил этишга асосан, балки партиямизнинг барча кенгашлари, ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини жиддий равишда ошириш мақсадида фойдаланиш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми таъсирли маърузасининг муҳокамасида пленум катнашчилари фаол иштирок этишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов мамлакат Президенти томонидан киритилган қонун лойиҳаларининг нақадар муҳимлигини таъкидлаб, уларда турли хил сиёсий мақсадларни қўзғайдиган, сайловлардан сўнг шакллантирилган ҳукуматнинг тутадиган йўли ва дастурига ўз муносабатини белгилаб оладиган сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланаётгани, шунингдек, парламентдаги кўпчилик ёки муҳолифат сифатида ташкил этилган фракциялар, уларнинг

боллари ҳақидаги тушунчалар миллий қонунчиликка киритилаётганлиги ҳақида тўхтади.

Энг асосийси бунда парламент муҳолифатининг самарали фаолият кўрсатиши учун кафолатлар яратилаётганлигида.

Умуман, ўшбу қонун лойиҳалари яратётган шарт-шароитлар ва бераётган ҳуқуқлар жамиятда парламентнинг, маҳаллий Кенгашларнинг ўрни мустаҳкамлашига, нуфузи ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудирини Номоз Садуллаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги демократик ташаббуси сиёсий партияларнинг фаолиятини кучайтиришда, ҳокимиятнинг вакилилик ва ижро этувчи органларини шакллантиришдаги таъсирини оширишда муҳим омили эканлигини эътиборни қаратди.

Хусусан, таъкидландики, буларнинг барчаси Ўзбекистон ХДП учун дастурий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда кенг имкониятлар яратади. Муҳокама этилди кун тартибига қўйилган Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий ва сиёсий тадбирлари дастурини маъқуллаб, бу дастур партия ташкилотлари, ХДПдан сайланган депутатлар, партия наشرларининг электрот орасидаги ишларини жонлантиришга қаратилганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учкун Шойимқулов мазкур қонун лойиҳалари халқ депутатлари

вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари фаолияти устидан назорат қилиш борасидаги ишларини кучайтиришга қаратилгани, партия депутатлик гуруҳларида ҳокимларнинг қонирасиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини бериш назарда тутилаётганлиги ҳақида тўхтади.

— Энг муҳими, — деди у, — бизнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз бу механизмлардан тўғри фойдаланиб, маҳаллий ҳокимликларнинг самарали ишлашларига эришмоғи керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси раиси ўринбосари Анатолий Козлов ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолиятини назорат қилишда янги қонун лойиҳалари муҳим аҳамият касб этишини ва улар партияларнинг жамиятдаги ролини кучайтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков маърузадаги баёнларни маъқуллаб, янги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини партиянинг ҳар бир аъзоси, электрот вакиллари етказиш, тушунтириш, мамлакатдаги демократик ўзгаришларга нисбатан уларда фаол позицияни шак-

лантириш зарурлиги ҳақида тўхтади.

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева Конституциявий қонун лойиҳасига қўра вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини тасдиқлаш учун маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларини ҳал этишдаги ролини, ҳокимиятнинг маҳаллий органларини шакллантиришдаги таъсирини кучайтиришини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ХДП Урганч туман кенгаши раиси Худойберган Вансанов демократик ислохотларнинг янги босқичида партия кенгашлари ва ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига электрот орасидаги ишларни фаоллаштириш ва ташаббускорлик кўрсатишда, шунингдек, партия дастуридаги мақсадларни амалга оширишда катта масъулият таъкидлаб ўтди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига мазкур қонун лойиҳаларининг киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкилий ва сиёсий тадбирлари дастури ҳамда бошқа тегишли қарорлар қабул қилинди.



УЙҒОҚ ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Банкрот деб эълон қилинган собиқ ипак комбинатининг ўнлаб гектар майдони ҳувиллаб ётарди. Бугун бир лаҳза бўлса-да, назар солинг: ҳамма ерда қурилиш. Биров савдо дўкони, биров хизмат кўрсатиш уйи қуради. Бир томонда банк шохбачаси, озиқ-овқат, кийим-кечак, буюм расталари, яна бир томонда қурувчилар кечани кундуга улаб меҳнат қилишмоқда.

Увайсийдек фозила шоира ҳамшаҳримиз эканини, у туғилиб ўсган уй-музейни биларди-гу, йиллар давомида бино нураб, ачинарли ҳолга тушиб қолганига шаҳар катталари ҳам, маънавий-маърифий ташкилотлар ҳам, маҳалла ахли ҳам эътиборасиз эди. Бу

рҳониддин Марғилоний «Ал-Хидоя» асарини ёза бошлаган «чиллаҳона» нақадар қадри ёдгорлик аслида. Аммо у ҳам бозорлар қуришда қўлиб, назардан четдаги жойга айланганди.

Буларни қўя турайлик. Узимиз яшайдиган уйлар ташқариси ақалли оқланганига қанча вақт ўтди экан? Ховлимиз четидоги дарахтларга нега шакл бермаганимиз? Дарвозамиз олтидан ўтадиган арқини тозалаш-чи? Бундан бир йил аввал газета-лардан бирида Марғилонни «уй-қуудаги шаҳар»га қиёслаганида муаллифдан хафа бўлибмиз. Аслида бу гапда жон бор экан. Марғилон, марғилонликлар энди уйғонганга ўхшайди!

Маълумки, келгуси йил баҳор ойларида Марғилон шаҳрининг 2000 йилги нишонланади. Хозир ана шу санага бағишлаб

шаҳарда жуда катта қўламда қайта қуриш ишлари амалга ошириляпти. Қўндагина иккинчи тиббиёт коллежи, академик лицей, янгитдан қурилган битта мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 7,5 гектар майдонда эса болалар ва ёшлар хибони, 2500 ўринли амфитеатр барпо этиляпти. Шу мавзуда маҳаллага туташ жойда собиқ қурилиш материаллари бозори жойлашганди. Энди у ўзига мос жойига қўчирилди. Урнига эса 42 та, ҳар бири уч хонали, айвон, ошхона, олти сотиқ ховлиси билан замонавий уйлар қурилди. Уйларга телефон тармоғи, газ, сув қувурлари тортилди. Шаҳар реконструкцияси дастурига қўра, бузилган уйларда яшовчи оилаларга бепул уйлар берилиб, улар шу янги маҳаллага қўчирилди.

— Кафтдеккина ховлида 15 жон яшар эдик. Икки келин, олти набира... Президентимиз, ҳукуматимизга раҳмат. Бизларга иккита яп-янги уйни қуриб бердилар. — дейди ҳамшаҳарларимиздан бири Ҳамроҳон ая.

Бугун Марғилонда рўй бераётган воқеликларнинг энг муҳими натижаси, бу одамлар он-ғида рўй бераётган ўзгариш, янгилиги шир. Зеро, одамлардаги илгариги кайфият ўрнини энди «мен марғилонликман, шайримда шундай ишлар амалга ошириляётганда, мен унга қандай ҳисса қўшим?» деган гуруҳ ва масъулият, дахлдорлик ҳисси эгаллади. Ҳеч шубҳа йўқки, 2007 йил баҳоридан нишонланадиган бўлса марғилонликлар узок-яқиндан келган меҳмонларни кўркам ва бениҳоя гўзал қўйфага кирган шаҳри билан ҳайратлантирадиди.

Муҳаммадхон ОБИДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. **Суратларда:** шаҳарда амалга ошириляётган бунёдкорлик ишларидан лавшалар.

Рустам ШАҒАЕВ (ЎзА), **Ҳақимжон РАҲМОНОВ** олган суратлар

ДАВЛАТЛАРАРО ОҚАРСУВ

ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ, УНИ ЧАЙҚОВЧИЛИК САВДОСИГА АЙЛАНТИРИБ БЎЛМАЙДИ



Асрлар оша Марказий Осиё халқларининг ҳаммаси бу ердаги мавжуд воқалар ва водийлар узра оқиб ўтувчи дарёларнинг сувларидан ҳамжихатликда фойдаланиб келган. Бу табиий ресурсларга ҳиморчилик қилиш ҳеч бирларининг хаёлларига ҳам келмаган.

Мустанкил республикалар шаклландан сўнг сув ресурсларини биргалликда бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича минтақада жиддий муаммолар туғила бошди. Ҳатто, чегарадан оқиб ўтувчи дарёлар, давлатлараро дарёлар ёки сув оқими деган тушунчалар ва атамалар пайдо бўлиб, айрим мутаҳассислар «чегарадан оқиб ўтувчи сув»лар тарихига ер ости сувларини ҳам қўшиб мазкур тушунчани кенгайтиришга уриндилар.

Марказий Осиёдаги мустанкил давлатларга янги шароитда сув ресурслари бошқарувидаги илгари амал қилган ёндашувларни ўзгартиришларига тўғри келди. 1992 йилда минтақадаги беш давлат иштирокчида «Сирдарё» ва «Амударё» сув ҳавзалари бирлашма (СХБ)ларидан иборат иккита ижроия органга ага Давлатлараро Марказлашган сув ҳўжалиги комиссияси (ДМСХК) тузилди. Уларга сув ресурслари ва сув тақсимотида давлатлараро бошқарув ишларига дахлдор бўлган сув объектлари вақтинча фойдаланиш учун бериб қўйилди. Ҳар бир республикада мазкур масала юзасидан келишувга қўра, ҳукуматларнинг махсус ҳўжатлари тайёрланди.

Бундай қарорга мувофиқ, давлатлараро сув ресурсларининг бошқарувида — шаклландан тарихий ва тақсимот принципларига қўра, давлатлараро сув манбалари ресурслари тақсимоти хозиргача амал қилиб келган меъёрий ҳўжатлар асосида бўлади.

Маълумки, сув тақсимоти принципларини белгиловчи бош меъёрий ҳўжат — ҳавзали «Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уни қўриқлаш схема-

си»дир. Бундан ташқари, илгари мазкур масала бўйича қабул қилинган барча протоколлаштирилган қарорлар ва ўзаро мажбуриятлар ҳам амал қилади. ДМСХК сув манбаларидаги ресурсларнинг мавжудлигини, гидрометеорология хизмати башорат (прогноз)ларини ва сув ҳўжаларидаги ҳамма шароитни ҳисобга олган ҳолда давлатлараро сув манбалари — Амударё ва Сирдарё дарёларининг «ҳажмлари схемаси» доирасида ҳар йили республикаларда сув тўланиши лимитини белгилайди. Бу лимитларга мувофиқ ҳар бир республика ўзидagi сув ҳўжаларининг ички шароитларига қўра, вилоятлар ва туманлардаги мавжуд каналлар лимитини тақсимлаб (белгилаб) чиқади.

Сув ҳўжаларики бирлашмалари (СХБ)га гидрологик вазиятлар ва вужудга келган шароитлар ҳисобга олинган ҳолда (вилоятлардаги сув ҳўжалиги ташкилотлари билан келишувларга қўра) ҳавзаларни 10 фўз атрофида бошқариш ҳўқуқи берилган.

Сув ресурсларини давлатлараро бошқарув бўйича ДМСХК ва СХБ тўплаган тақриблар бу борада танланган йўлнинг умуман тўғрилигини кўрсатди. Жумладан, туринган барча муаммолари масалалар қабул қилинган келишув принципларига қўра, мутахассисларнинг зарур ҳолларда эса республикаларнинг у ёки бу тармок вазирликлари раҳбарлари учрашувларида ечим топиб борди.

Бироқ, юқорида қайд этилган дарёлар атрофида жойлашган айрим давлатлар — чегарадан оқиб ўтувчи сув оқимлари режимининг мавжуд талабларига қарамай, Норин — Сирдарё ва Вахш — Амударё давлатлараро дарёларнинг оқими режимини ўзларига тўла буйсундиришга уринмоқдалар. Бунда дарёлар оқимининг қўйи қисмида жойлашган давлатлар билан келишимасдан давлатлараро сув омборлари иш режимини ирригация аҳамиятдан энергия ишлаб

чиқариш аҳамиятига ўзгартирилмоқда.

Шу йўл билан сунъий равишда суғориш учун мўлжалланган сувнинг ёз ойларида тақчиллиги ва қишда эса ортиқчилиги вужудга келтирилмоқда. Бу ҳол қўйи оқимда жойлашган давлатлар иқтисодийётига муайян даражада зарар келтириши, табиий.

Биз, ёзги сув тақчиллигида қанчадан-қанча ҳрсилдор ерларда ҳосил нобуд бўлгани, қишки тошқинларда қанча яйловлар сув остида қолиб кетгани, автомобил йўллари, кўприклар ва бошқа ишюларни вайрон бўлгани тўғрисида ҳозир статистика маълумотлари келтириб ўтирмаймиз. Бироқ, бугун айрим олимлария «гуруҳ»ларининг чегарадан оқиб ўтувчи сув оқимларини ҳамкорликда бошқарув масалаларида шўқод ҳам ўзи таранглардан вазиятини янада қўрқулаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлари асосли ташвишлар уйғотмоқда.

Агар узок даврлардан буюн шаклландан Халқаро сув ҳўқуқларига мурожаат қиладиган бўлсак, чегарадан оқиб ўтувчи сувлар сингари миллий сув масаласида ҳам аниқ таъриф (тасниф)ларга эга бўламиз.

Чегарадан оқиб ўтувчи сувларга — табиий шаклландан ва чегаралар бўйлаб ҳаракатдаги, яъни икки ва ундан кўпроқ давлатлар «камров»ида икки чегарани кесиб ўтган дарёлар, шунингдек, мазкур дарёлар ҳавзаларида антропоген аралашувлар негизида вужудга келган сунъий сув ҳавзалари ресурслари кирди.

Ер ости сувлари — икки ва ундан кўпроқ давлатлар ҳудудида жойлашган ёрўз чегарадан оқиб ўтувчи дарёлар гидравликаси билан боғлиқ манбалар.

Қайтувчи сувлар деб, чегарадан оқиб ўтиб, микдор ва сифатини ўзгартирувчи икки ва ундан кўпроқ мамлакатлар ҳудудида шаклландан дарё сувларига айтади.

Миллий сув эса биргича давлат доирасида шаклландан бар-

ча намликни ўз ичига олади.

Қирғизистон билан бир пайтлар сув «товар»га айлантирилган... ва ундан келиб чиқувчи оқибатлар ҳамда шароитлар масаласи баён этилган давлат аҳамиятига эга айрим ҳўжатлар қабул қилинган эди. Бу ҳол минтақа мамлакатларида сув ҳўжалиги муносабатларининг кескинлашуви кучайишига сабаб бўлди.

Биламиз, сунъий сув ҳавзаларида товар сифатига таъсир кўрсатиш мақсадида сув манбаларини онгли равишда «ўшлаб» туриш ҳоллари (фактлари) жаҳон тақрибасида йўқ. Агар шу минтақадан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда «товар» деб қаралган сув, фойдаланиб бўлингандан сўнг (яъни пайтда электр энергияси ишлаб чиқариш учун) ҳеч қандай келишувларсиз ўзга давлат ҳудудида нега ташланади?

Дангалини айтганда, мазкур ҳаётий муҳим масалада ҳар қандай истиҳоласиз хатти-ҳаракат айна шундай қўринишда жавоб олиши ҳам мумкин.

Энг муҳими, чегарадан оқиб ўтувчи сув ҳавзаларида жойлашган барча давлатлар ўзларига тегишли улушлардан оқиллик ва аҳиллик тамойилларига қўра фойдаланишда бир хил, яъни тенг ҳўқуққа эга эканликларини унутмаслик жоиз.

Барча давлатлар билан келишувга қўра, Давлатлараро сув омборларининг ирригация ш режимлари ҳисобга олинган «Амударё ва Сирдарё» сув ресурсларидан фойдаланиш ва қўриқлаш комплекс схемасида масалага ҳудди шундай ёндашув белгилаб қўйилган. Борди-ю, сувдан фойдаланувчи мамлакатлар бирор таси улугша эга бўлишининг бу тартиб (принцип)ларини бузишни хоҳлагудек бўлса, у ҳолда эҳтимол тутилган зарарни қоплаш бўйича олдиндан компенсация (тўлов) ишлари бажарилиши ижроси масаласи сувдан фойдаланувчи бошқа давлатлар келишуви билан ҳал этилиши мумкин.

МЕҲР-МУҲАББАТ РАМЗИ

Қўрға Афсона қишлоғи яна бир иншоот билан бойиди. Бу ерда буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино таваллуд бўлган кун арафасида фойдаланишга топширилган янги тиббиёт коллежи биноси билан уйғунлашган музей қайтадан барпо этилди. Қомусий олим, буюк табиб ҳаёти ва фаолиятининг сўзловчи бу кўркам музейни «2-Бухорожамоатурилиш» уюшмасининг Галаосийёдаги «47-механизациялашган кўчма жамлан-

ма» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қисқа муддатда қуриб битказдилар. Шуниси қувонарликки, қуриш жараёнида миллий меъморчилик аъналарига қатъий амал қилинди. Натижада музей олдидаги пештоқли айвон, оқ мармардан жило берилган заллар, Ибн Синонинг Ҳамадон шаҳридаги қабридан олиб келинган хоки алоҳида даҳмага қўйилгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

— Буюк ватандошимизнинг эски музейи бундан чорак аср муқаддам қурилганди, — дейди ЎзХДП Пешку туман кенгаши раиси Эркин Ҳолов. — Экспонатлар ҳам анча гариб эди. Бугун эса бу ерда 700 га яқин ноёб экспонатлар бўлиб, унда Шарқ таботати намуналари, буюк бобокалонимиз қолдирган ноёб асарлар катта қизиқиш уйғотади.

(Ўз мухбиримиз)

• Мулоҳаза

ВОЯГА ЕТМАГАН «ДАҲО»ЛАР

Соғлом фикрли ҳар бир ота-она учун фарзанд камолатини, роҳатини кўриш катта бахт. Шу босиш ўз нуридий-дамизнинг эртага яхши одам бўлишини жон дилимиз билан хоҳлаймиз. Унга барча имкониятларни яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Баъзида ҳудди ана шу нуқтада меҳрибонликни ошириб юборамиз. Узимиз билан билмай болани танбал, ҳаддан зиёд ёдрамга муҳтоқ қилиб қўямиз.

Бугунги ёшлар бошқача. Ҳамма даврларда ҳам шундай бўлган, шеклилли?.. Масалан, ёшлар ҳақида гап кетганда, бундан анча йиллар, балки асрлар илгари ҳам, шу ўсимрлар бошқача, улар бизнинг болалигимизга ўхшамайди, билмагани йўқ, зийрак ва қув, шумликлар ҳам бор, ҳуллас, ёшлар фаол, пешқадим, деб айтишган. Давр таррақийёти билан боғлиқ ҳодиса-да, нимаям дердик?!

Ёшлар воқеликни тез илгари, даврининг шиддатидан ўзаман, деб ҳаёл қилади. Бу яхши, ёмон эмас...

Одамлар от-аравада юриб, қора чироқда уйини ёритиб, омон ва кетмонга сунган пайтлардаги соддалик, одимликни бугунги кишилардан излаш ноўрин. Шарт ҳам эмас. Давр ўзгаришти. Техника, таррақийёти, цивилизация ва ҳокза.

Бироқ замон жойида, одамлар ўзгаришти, деган ақида ҳам бор. Бу фикрга ҳам қўшилмай, маълум маънода, ён босмай иложимиз йўқ. Ҳуллас, мавжуд шарт-шароит ҳам кишиларни анча «сергак» ва «хўшёр» қилиб қўйди. Бозорга мос ҳус тузумда ишнинг ўнгини билиб, мослашини аниқ қилиб мўлжалга олмасанг, ўзингни ўнглай олмайсан. Бу ҳам ҳақиқат.

Бундан 15-20 йиллар аввалги ўсимрлар билан ҳозирги ўғил-қизларимизнинг руҳияти ва дунёқарашини қиёслаб бўлармикан?! Ҳар ҳолда «у пайтлар» ёшлар соддароқ бўлишганимиз, ишқилиб, вазминроқ, босиқроқ бўлишганимиз, деган ўй кенчади ҳаёлимизда. Шулар ҳам давр болалари. Бироқ ҳамма замонлардаги каби ҳаётнинг лаззати ўйин-кулгуда деб, умрининг нурли лаҳзаларини икки ойғи орасидан ўтказиб юборувчилар ҳам бор.

Яна бир тоифадаги ёшлар «тўда»си пайдо бўлди. Шон-шухратга ўч. Йўқ, аниқроғи, улар эмас, ота-оналар боласини машҳур бўлишини жуда хоҳлашади. Чораси топилса боласи бир кунда машҳур бўлса қолса! Муқофотлар олса! Қобилияти борми, иқтидор и етарлими-йўқми, бу ҳақда уйлашмайди. Отасининг пули ё обрўси, тоғасининг мансаби, ҳуллас, яқин одами-ни пеш ва тиргак қилиб болани муқофотга уришади.

Ҳатто болаларининг «ижоди»дан китобчалар чиқаришади. Айрим хусусий нашриётларга эса фақат пул бўлса етарли шекли китобнинг бадиий жиҳатиға унчалик талаб-чанлик қилишмайди.

Яқинда тахририятга бир узамиз келди. Лицей ўқувчиси. Оқ эмас, кўн эмас, бешта китоб чиқарибди. Ўқингангиз, уялиб кетасиз. Жўқини! Китобларининг бирида шундай хабарнинг чақалоқлигида, синддош дўстлар даврасида, отаси ва бошқа танишлари билан бирга тушган суратлари ҳам бор. Болакайни осмонга чиқариб қўйишган. Ун тўрт ёшли «даҳо» пайдо бўлибди, дейсиз! Ота-оналар болаларини нима-ларга ўргатишяпти? Хусусий нашриётдагиларчи?..

Ҳуллас, ҳозир ёшлар ўрта-сида «китоб поёғиси» авжа чиқаяпти. Бундай десам, санъат ҳам пеш эмас. Санъатга ҳар кун «янги бир истеъдод» чиқади. Қўшиқ айтиш учун эмас, ўзини кўрсатгани!.. Китоб ҳам, санъат ҳам миллиятнинг маънавий мулки. Шу боси унинг муқаддаслигига бепарво қараб бўлмайди, деб уйлайман.

Дарвоқе, «ёш санъат даҳо-лари» ҳақида кейинроқ гаплашамиз... Қизик, ҳамма суқурларимизга замон айбдормикан?.. Бунга газетхонлар нима дер экан?

Қўқор НОРҚОБИЛ

• Экологик экспедиция

ДЕНГИЗНИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР АСРАЙДИ

ЁКИ ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҚУРИШИ ОҚИБАТИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ФАЛОКАТЛАР
ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

(Учинчи мақола)



Халқаро оролни кутқариш жамғармаси ижроия қўмитасининг Нукус филиали директори Уббиния Ашурбеков биз билан суҳбатда шундай дейди:
— Ҳақиқатан ҳам минтақамизда Орол масаласи энг оғир муаммодир. Орол денгизининг қуриши ўзининг кўлами ва оқибатларига кўра, шу даражада оғир ва мураккаб, унинг тўлик ечимини ҳусусида бирор-бир аниқ фикрни топиш мушкул. Орол тўғрисида билдирилётган бир-бирига қарама-қарши фикрларнинг сон-саногини йўқ, тўғриси, шундай бир-бирига зид фикрлар, баҳсларнинг бўлиб тургани яхши. Ҳақиқат баҳсда туғилади, дейишди-ку, шу гоёлар Оролнинг дардини тўғри ташхислашда асосдир.
Маълумки, ушбу муаммага қаратилган Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг 2003 йил 3 октябрда бўлиб ўтган халқаро Саммитида томонлар 14 та йўналиш бўйича битим имзоладилар. Унга кўра, кўплаб лойиҳалар тайёрланиб, 37 та лойиҳа ҳукумат раҳбарлари то-

монидан қабул қилинди. Оролнинг қуриган майдонларининг 60%дан ортиғи яъни, 1 миллион 300 минг гектардан ортиқ қисми республикамиз, 40 фоизга яқини Қозғоғистон давлати ҳудудига тўғри келади. Ҳудудимиз «чеки»га тушган Оролнинг 600-700 минг гектарга яқин майдонидан чанг-тўзонлар кўтарилапти. Экологик фожиадан ҳудудда яшовчи аҳоли жабр кўрапти.
Маълумотларга қараганда, Оролнинг қум ва тузларини кучли бўронлар ҳатто Скандинавиядан нарига — Шимолий Кутбга учуриб борапти.
Орол бўйи минтақасидаги экологик ҳалокатнинг оқибатларини юмшатиш учун халқаро миқёсда, айниқса, ҳукуматимиз томонидан изчил ишлар қилинапти. Оролқумдан қум ва тузларнинг ҳавога кўтарилиши бартараф этилса, унинг салбий таъсири камайтириласа, биринчи навбатда, шу минтақада яшаётган халқлар учун кўрсатилаётган тиббий ёки бошқа ёрдамларнинг самараси, ерларнинг

унмдорлиги ошарди. Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси қайта тикланарди. Бу мамлакат иқтисодиётига катта ижобий таъсир этади.
Орол муаммоси оқибатлари олдини олишнинг яна бир муҳим йўли — ҳудуддаги сугорил, деҳқончилик майдонлари атрофида камидан ҳар 300-400 метр оралиқда 4-6 қатордан ихота дарахтзорларини тиклашни янада такомиллаштириш керак. Чунки 1 метр ихота дарахти 10 метр ери, 15-20 метрлик дарахт 150-200 метр ва ундан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги экинларини қум, тузли «ёмғир»лардан ҳимоялайди. Қолаверса, ерости сувларининг кўтарилиши, шўрланиш камайди, ернинг нами сақланади, ҳарорат муътадиллашади, гармсел шомоллар пасаяди.
Минтақамизда тез-тез қуроқчилик, сув танқислиги рўй берапти. Қолаверса, қўшни давлатларнинг ҳам сугорма деҳқончилик учун Амударё сувига эҳтиёжи ортиши мумкин. Демакки, сувдан оқилона фойдаланиш энг долзарб масалага айланяпти.

Лекин бугун биз сувдан қишлоқ ҳўжалигида тўғри фойдаланишимизми? Масалан, Қорақалпоғистонда 1960 йилда 216 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 2005 йилда 185 минг тонна ҳосил етиштирилди. 1980 йилларда 8 миллиард метр куб сув олинган бўлса, бугунги кунда ҳам 7,5 миллион гектар сугориладиган ерга шунча ҳажмдаги сув сарфланапти. Деҳқончиликда замонавий технологиялар бўйича ишласак, шу сувнинг 30-40 фоизини тежардик.
Орол ҳавзасида истикомат қилувчи 40-45 миллион аҳолининг эҳтиёжи ҳамда деҳқончилик учун 1,1 миллиард метр куб сув ишлатилади. Европада шу сув билан 150 миллион кишининг эҳтиёжини таъминлаш мумкин. Бир сўз билан айтганда, сувдан фойдаланишда ҳам жаҳон андозаларига мослашимиз керак.
Кейинги пайтда, баъзи олимлар томонидан Оролни кутқариш учун Сибир дарёларини ўзатиб олиб келиш керак, деган фикрлар яна айтиляпти.

Мен бу гоёга умуман қўшилмайман. Чунки бу лойиҳалар учун 60-70 миллиард доллар маблағ керак. Маблағ ҳам топилиши дейлик. Олимлар таъкидлашаётгандай, ҳар йили 2 миллиард маблағлик лойиҳалар амалга оширилса, демак бу лойиҳани 30 йилда тугатиш мумкин...

Ҳеч кимга сир эмас, жаҳондаги бирор олим 30 йил ичида дунё қандай иқтисодий, сиёсий жараёнларни бошидан кечириши мумкинлигини олдиндан аниқ белгилаб беролмайди. Қолаверса, бундай ёрдамларни қайтариш-чи?

Ҳўш, унда Оролни қандай қилиб сақлаш мумкин?

Маълумки, Халқаро Оролни кутқариш жамғармасининг таъсисчилари — Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон давлатлари томонидан ялли даромаднинг 1 фоизи, Қозғоғистон ва Ўзбекистон республикалари эса 5 фоизини жамғармага ўтказаяпти. Бугунги кунда Оролнинг тақдирини шу минтақада яшовчи барча халқлар учун бирдай — ҳаёт-момотта айланяпти улардир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Оролни шу минтақада яшовчи халқларнинг мураккаб, аммо эзгу мақсадлар йўлидаги муштараклиги асрайди...»

Зотан, минтақадagi ижтимоий-экологик аҳолини аниқ мақсадга йўналтирилган эзгу ишларимиз сақлайди...

Бугун Оролқумда яшил олам бунёд этиляпти. Демакки, ҳудудда келгусида яшил орол — яшил барханлар яшайди...

Саид САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



ЕИ ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Хельсинкида бўлиб ўтган Россия ва Европа Иттифоқининг XVIII саммитини самарасиз якунланди, дейиш мумкин. Негаки, саммит кун тартибидagi асосий масала — Россия билан ЕИнинг келгусидаги ҳамкорлиги бўйича янги битим имзолаш учун музокара бошланганига «вето» қабул қилган эди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига ўтган йили тақиқлов жорий этган, Польша эса ЕИ ва Россия саммитида ҳамкорлик бўйича янги битим имзолаш учун музокара бошланганига «вето» қабул қилган эди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.

Ўз навбатида Россия президенти Владимир Путин янги битим имзолаш учун музокара бошланганига «вето» қабул қилган эди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.

Ўз навбатида Россия президенти Владимир Путин янги битим имзолаш учун музокара бошланганига «вето» қабул қилган эди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.

ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига ўтган йили тақиқлов жорий этган, Польша эса ЕИ ва Россия саммитида ҳамкорлик бўйича янги битим имзолаш учун музокара бошланганига «вето» қабул қилган эди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу: «Биз Россиядан Польша гўшти ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тақиқловни бекор қилишни сўрадик. Бу муаммо яқин кунларда ечилиши мумкин бўлади» дея баёнот берди.



ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР УЗИЛДИ

Руанда маъмурияти Франция дипломатларини мамлакатдан тезда чиқиб кетишларини талаб қилди, шунингдек, Париждаги ўз дипломатларини чакриб олди. Франция эса бунга жавобан Руанда билан дипломатик алоқаларини узди. Бу икки мамлакат ўртасидаги муносабатнинг бузилишига Франция маъмуриятининг яқинда чиқарган қарори сабаб бўлди. Ушбу қарорда 1994 йилги геноцидда Руанда маъмурияти айбланган ва Руанда президенти Пол Кагама атрофидаги 9 киши қамоққа олиниши шартлиги айтилган.

Руанда маъмурияти Франция дипломатларини мамлакатдан тезда чиқиб кетишларини талаб қилди, шунингдек, Париждаги ўз дипломатларини чакриб олди.

Франция эса бунга жавобан Руанда билан дипломатик алоқаларини узди. Бу икки мамлакат ўртасидаги муносабатнинг бузилишига Франция маъмуриятининг яқинда чиқарган қарори сабаб бўлди.

Ушбу қарорда 1994 йилги геноцидда Руанда маъмурияти айбланган ва Руанда президенти Пол Кагама атрофидаги 9 киши қамоққа олиниши шартлиги айтилган.

Руанда маъмурияти Франция дипломатларини мамлакатдан тезда чиқиб кетишларини талаб қилди, шунингдек, Париждаги ўз дипломатларини чакриб олди.

Франция эса бунга жавобан Руанда билан дипломатик алоқаларини узди. Бу икки мамлакат ўртасидаги муносабатнинг бузилишига Франция маъмуриятининг яқинда чиқарган қарори сабаб бўлди.

Ушбу қарорда 1994 йилги геноцидда Руанда маъмурияти айбланган ва Руанда президенти Пол Кагама атрофидаги 9 киши қамоққа олиниши шартлиги айтилган.

• Мамлакат. Мактаб. Муаллим.

ЎҚУВЛИ, УҚУВЛИ МУРАББИЙ



— Муस्ताқилликнинг 15 йиллиги арафаси эди. Дарс ўтаётгандим. Танаффусда кимдир: «Сизни телефонда туман ҳокими сўрапти», деб чакриди. — Шимолий Кутбга учуриб борапти.

— Синглим, — деди у киши салом-алиқдан сўнг. — Сизни ва жамоангизни, оила аъзоларингизни катта муқофот билан туманимиз

ҳокимлиги ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши номидан табриклиман. Уқитувчилик касбингизда, айниқса, ёш авлод қалби ва онига она юрт муҳаббати тўғрларини сингдиришингизда муваффақият тилайман...

...Урагул ҳали мактабда ўқувчилик пайтидаёқ математика тўғрисида, танловлар, олимпиадаларда фаол ва устози Абдиқарим Мамбетқаримовнинг сўйган шогирдларидан бири эди. Синфда ҳам, уйда ҳам у кўпроқ математикани машқ қиларди.

Ун биринчи синфни муваффақиятли тамомлаб, Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат университетига ўқишга кирди. 1980 йилда ўзи ўқиган ҳозирги мактабга ўқитувчи бўлиб ишга қайтди...

— Мен, — дейди у, — биринчи галда бошланғич синфларда «А» ҳарфидан бошлаб таълим берган устозим Жумамул Аблешеванинг ҳизматларини ҳеч-ҳеч унутолмайман. Илк бор қўлимда қалам, рунча ушлатгани ургатган муаллимим олдида ҳамини тазъимладим.

Ешнйёз Тажибоев, Қаипбек Ҳазимбетов сингари мураббийларимдан ҳам миннатдорман. Улардан мен ўқиш-ўқитиш услубларини, мактаб ва оила ҳамкорлигини, ўқитувчи ҳамда ота-оналар муносабатларини ўргандим. Бугун эса ўзим ҳам устоз, ўзим ҳам мураббий... Унлаб шогирдларим бор. Ўлбосин Бегдуллаева, Гулнара Тажибаева, Гулноза Бегдуллаева сингари ёш издошларим ҳозир Ҳўжайли, Кўнгирот, Қораўзақ туманларида педагогика соҳасида меҳнат қилишаётганларидан фанланаман.

— Дарс ўтиш услубингиз ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз? — сўрадик.

— Дарсда янги мавзу ўтадиган бўлсам, аввало ўқувчиларни ўзлаштиришига қараб, ун гуруҳларга бўламан. — «Аъло», «яқши», «ўрта ва паст» гуруҳлар... Шунда ҳар бир ўқувчи дарсини ўз салоҳиятига кўра, бошқичма-бошқич, изчил ўзлаштириб боради. Натижада «ўрта» ҳамда «паст» ўзлаштирувчилар ҳам «яқши»ларга аста-секин етишиб олишади. Шу таразда ўтган ўқув йилида 11-синфни 34 нафар ўқувчи битирди. Шундан 9 нафари олий ўқув юртиларига ўқишга кирди, 15 нафари лицей ва касб-хўнар коллежларига ҳойлашди, 10 нафари ҳозир фермер ҳўжалиқларида ишлашапти...

— ЎзҚДП аъзоси экансиз, жамоангизда партиядошларингиз қўпми?

— Мактабимизда 426 нафар ўқувчи 61 нафар ўқитувчи таълим-тарбия берапти. Уларнинг ўн икки нафари ҚДП аъзолари. Бахит Изимбетова, Бахтиёр Абешов каби партиядошларим ўқувчиларга нафақат ўз фанларидан, маънавият-маърифат мавзуларидан ҳам сабақ берадилар...

— Урагулнинг Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси деган юксак унвонга сазовор бўлганлиги ҳаммаюзи учун фахр, — дейди мактаб директори Турдибека Алиева. — Жамоат ишларида фаол, «чарчади» деган сўзини эшитмаганмиз... Қанидиди, барча ўқитувчилар-у, мураббийлар ҳам унга ўхшаб, ўқувли-уқувли мураббий бўлишса...

Ройимбой ЭШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХИЗМАТ БЕМИННАТ БЎЛГАЧ

Ўзбекистон — Германия акциядорлик тижорат
«Савдогарбанк» Бухоро вилояти бўлимида ислоҳотлар
самараси бўй-бастини яққол намоён этаётир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар банк фаолиятини ҳам четлаб ўтмади. Тизимдаги ислоҳотлар, айниқса, миқозларга қўл келмоқда. Очиқроқ айтганда, улар танлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу нима дегани? Сир эмас, собиқ Иттифоқ шароитида атиги битта банк бўлар, уларнинг эшигини ҳар ким ҳам оча олмади. Бунга ҳадди сиққанлар эса оилаб оворагарчилик, тўрачилик касри боис қўл силташга мажбур эдилар. Эндики — Тизимдаги қўл кўламини ислоҳотлар ҳамма муаммоларга нўхта қўйди десак муболага бўлмас.

— Дарвоқе, — дейди Бухоро туманилик банк миқозси Ҳабибулло Йўлчиев, — вилоятда ўнлаб тижорат банклари мавжуд, аммо, бажарадиган юмуши ақсарий ҳолларда бир хил. Шундай экан, биз нега бу банкни танладик? Бу саволга жавоб битта: миқозларга муносабат аниқ.

— Биз асосан аҳолига савдо хизмати кўрсатамиз, — дейди яна бир банк миқозси Бахтиёр Маматов. — Бунинг учун мазкур банк мададига муҳтожлик сезишимиз табиий. Шу боис улар билан мудо алоқадимиз. Шу йил бошда банкдан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олишга жазм қилдик. Айримлар банклар билан ҳамкорликдаги тўғаноқлардан нолишади. Бунга мен қўшилмайман.

Биз қисқа вақт ичида олган кредитни қоплаб, банк ҳазинасига уч хисса қўп маблағ топширдик. Бу ҳар иккала томон учун ҳам манфаат келтиради, албатта.

Ҳўш, бу имкониятлар замирида нима ётади? Бу саволга жавобни ўзоқдан ахтаришга ҳожат йўқ. Шу йилнинг ўтган тўххиз ойи мобайнида мазкур банк миқозларига кўрсатила-

ётган хизмат сифати ҳар қандай таҳмин ҳамда саволга аниқ жавобдир.

— Биз, — дейди филиал бошлиғи Илхом Насруллаев, — миқозлар манфатини ҳамма нарсадан устун қўямиз. Бу дегани — ҳар бир мурожаат ҳисобда, оворагарчиликка ўрин йўқ.


Бизнинг банкимиз билан германияликлар қизиқишмоқда. Шу боис ресурс танқислиги, корсетб масаласидаги муаммо эга ечимини топди. Бунинг эвазига ҳўжалигимизда паррандачиликни йўлга қўямиз.

Банк жамоаси миқозларига намунали хизмат кўрсатишда вақтида тежашиш имкониятларидан самарали фойдаланишяпти. Банкнинг олис Қорақўл тумани филиали ҳамда аҳоли гажаму жойларда минибанкларга фаолият кўрсатаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик картчалар асосида хисобкитоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан банк бўлими томонидан савдо ва пуллик хизмат кўрсатуви субъектларда 33 та терминал йўлга қўйилган бўлиб, миқозлар 7284 та «электрон» ҳаммадан фойдаланиб келишмоқда. Мазкур терминаллар орқали 76,3 миллион сўм маблағ айланди. Банк бўлими томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш мақсадида янги омонат турлари ҳам жорий қилинган. Бу «Қафолат плас», «Олтин куз», «Даромад», «Устоз», «Эгаси номи кўрсатилмайдиган» пластик картчалар бўйича эса «Фарвон» омонатларидир.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, банк бўлимида ёш, изланувчан кадрлар ишлаётгани ҳамда аҳолига беминнат хизмат кўрсатилаётгани миқозлар сафи кенгайишига олиб келмоқда. Бу эса банкнинг вилоятдаги молия корхоналари орасида нуфузи анча баландлигидан далолатдир.

Доврон БАХРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИЗ ИККИ КҮН



29-30 ноябрь кунлари Тожикистонда электр энергияси бўлмади. Фақат ўта ҳаётий зарур объектларга бундан маъносиз. Бу ҳақда «Барки Тожики» энергетика давлат компанияси бошқаруви Шарифхон Самиев маълум қилди. Унинг айтишича, электр энергиясини узатишдаги чеклов Сангунд гидроэлектр станциясидаги қурғиш ишлари билан боғлиқ. Яъни, 30 ноябрь кунги Вахш дарёси сувини тўсиш кўзда тутилмоқда. «Ноябрдан бошқа пайтларда дарё ўзанини тўсишининг имкони йўқ. Бу ишлар келажак фаровонлиги учун қилинмоқда» деди Самиев.

«Барки Тожики» компанияси маълумотларига қараганда, республика гидроэлектр станцияларида бир кеча-кундузда 43 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилади. 29-30 ноябрь кунлари эса бу рақам 25-26 миллион киловатт-соатга тушади.

СЎЛ ПАРТИЯ НОМЗОДИ ҒОЛИБ ЧИҚИШИ МҮМКИН

Экваторнинг сўл қўлар вакили Рафаэль Корреа яқинда кунини бўлиб ўтган президент сайловида рақибидан 14 фоиз қўп овоз олишга эришди. Тўғри, бу расмий натижа эмас, балки «exit-poll» сайлов участкаларида ўтказган сўров натижаларидир. Лекин шундай бўлса-да, ҳақиқатга яқин, дея хабар беради «AFP» ахборот маъкамаси.

43 ёшли бу сиёсатчи аввал молия вазири лавозимида ишлаган. У Экваторнинг ташқи қарзи масаласини, мамлакатда фаолият юритаётган хориз нефть компаниялари билан шартномаларни қайта қўриб чиқмоқчи. Бундан ташқари, мамлакат конституциясини қайта ёзиш билан шуғулланувчи ассамблеяни ташкил этиш, Конгрессни тарқатиб юбориб (у ерда кўпчилик Корреанинг рақибини Алваро Нобонинг тарафдорлари), янги сайлов ўтказишни ҳам ўз режасига киритган.

Корреанинг рақибини, консервативлар вакили, бананлар бўйича маънат, 56 ёшли Нобов «exit-poll» натижаларини тан олмади, у расмий натижани кутишни билдирди. Венесуэла ва Кубанинг иттифоқчиси бўлиши Корреа Экваторда диктаторликни ўрнатмоқчи, деди у.

Эслатамиз: окирги 10 йилда Экваторда уч марта президент алмашди. 2003 йили президентликка сайланган Луисо Гутьеррес 2005 йил апрелдаги давлат тўнтаришдан сўнг истеъфога чиққан.

ПОЛИЦИЯНИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ҲАМ ЧАҚИРСА БЎЛАДИ

Малайзия раҳбарияти мамлакатда жиноятчилик ортиб бораётганидан ташвишга тушмоқда. Шунинг учун яна бир янгилик жорий этилди. Эндиликда жиноят содир этилган жойга полициянинг нафақат телефон орқали, балки интернет орқали ҳам чақириш мумкин. Бундай янгилик Петалинг-Жайя округида жорий этилди. У ерда интернет-кафедрлар жуда кўп.

Бундан ташқари, жиноятчиликнинг пайини қирқиб учин узоқ йўналган бўйича қатновчи автобусларда фуқаролар кўнминдаги полициячилар юриши, шунингдек, ҳар бир турар-жой мавзесида икки нафар полициячининг навабчилиги йўлга қўйилди, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

«КРАХМАЛ» АЖ туғатув бошқаруви маълум қилади

Тошкент вилояти Ҳўжалик судининг 2006 йил 27 февралдаги 11-0622/373-сонли иши бўйича ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Крахма» АЖга қарашли Тошкент ишлаб, Зангиота тумани, Иттифоқ ҚФЙ Тўқмачи ширкат ҳўжалигида жойлашган ишлаб чиқариш заводи бино, ишоот ва асбоб-ускуналари мулкчи мазмуни бўйича оқиш оферта эълон қилинади:
бошланғич баҳоси — 405 000 000 сўм.
Оқиш офертада ҳам эҳсимоний, ҳам юридик шахслар иштирок этиши мумкин. Энг юқори нархчи таклиф этган шахш билан олди-сотиш шартномаси тузилади. Аризалар оферта эълони чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун қўйиладиган манзилларга мурожаат қилишимиз мумкин:
«Крахма» АЖ туғатув бошқаруви: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иттифоқ ҚФЙ Тўқмачи ш/х.
Телефонлар: (99871) 128-59-82, 398-47-47, факс 148-11-52.
«Kimoshdi savdolari agentligi» МЧЖ: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Урзоёв кўчаси, 1-А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона, телефон: (99871) 399-80-23.

«Крахма» АЖ туғатув бошқаруви: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иттифоқ ҚФЙ Тўқмачи ш/х. Телефонлар: (99871) 128-59-82, 398-47-47, факс 148-11-52. «Kimoshdi savdolari agentligi» МЧЖ: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Урзоёв кўчаси, 1-А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона, телефон: (99871) 399-80-23.

ШАВКАТЛИ ТЕМУРБЕК

● Биз билган ва билмаган тарих

Александр Воробьев— Соҳибқирон Амир Темури тўғрисида изланишлар олиб бораётган тарихчи олимлардан бири. Ижтимоий-маънавий йўналишдаги 30 дан ортқ асарлар муаллифи. Айни пайтда Москва давлат университети фалсафа факультетида илмий ходим ва «Сидсий-ижтимоий фикр» нашриёти директори. У Амир Темури тўғрисидаги китобини нашрга тайёрламоқда. Қуйидаги мақола эса олимнинг Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги тадқиқотларидан биридир.¹



Темури Кўрагон— Буюк Темурибек ҳаётиги давридаёқ унинг сиймоси ва фаолияти тўғрисида бир-бирига қарама-қарши бўлган зиддиятлар занжирини пайдо бўлди, бугун уни бирданига узиб ташлаш жуда мушкулдир. Ҳаттоки тарих саҳифаларида ҳам унинг номи турлича нақш этилган: Темури, Темурибек, Темури Кўрагоний, шунингдек, оқсоқлиги боис санмиллари томонидан унга туркча (аслида ўзбекча — тарж.) — «Оқсоқ Темури», форсча — «Темурилан» деган лақаблар ёпиштирилди, Европада эса уни «Тамерлан» номи остида танидилар. Ва ҳалигача биз уни шу ном билан эътироф этиб келямиз.

ЕВРОПА УЗРА ЯРИМ ОЙ

1395 йилнинг 26 августида Москва Ҳазрати Она Владимир иконасини қарши олди. Митрополит Киприан Куличково майдонида бехисоб кишилар ҳамроҳлигида Ҳазрати Она иконасини ибодат қилар экан, ўз шаҳрининг омонлигини сўраб илтижола қилди. Дмитрий Донскойнинг ўғли Василий Дмитриевич эса Оки дарёсининг шимолий қирғоғида, Коломно ёнида мудофаа учун лашкарларини сафга тизди. Лекин Темурибек Олтин Урдаунинг исёнчи улуси билан пачакилашиб ўтириши нистамой Москва (у пайтларда шаҳар кичкина қўрғонча эди — тарж.)га эмас, йўлни айрича олиб, қутилмаганда Елецга қараб юрди ва кўп ўтмай уни забт этди. Сўнгра Кримда Азов ва Қрфининг савдо-сотқ шаҳарларини итоатга келтирди, ундан кейин Са-

рой ва Астраханни. Европалықлар бир зумда бу воқеадан хабар топдилар ва «Буюк оқсоқ» номини эшитиб, титроққа тушишди. Орадан етти йил ўтиб, 1402 йилда Европа бостириб келмасикин, деган ҳақик билан яна нигоҳини унга қаратди. Бу пайтда Буюк Соҳибқирон усмонилар султони Йилдирим Боязидни, 1389 йилда Косовода ўлдирилган усмонли Муроднинг ўғлини Анкара яқинида маглубиятга учратиб, ўзини асирга олган эди. Шунгача Йилдирим Боязид Анатолияни ва Болқоннинг катта қисмини забт этган, 1394 йилдан 1401 йилгача узоқ давом этган қамалдан сўнг Константинополни қўлга киритган енгилмас султон сифатида эътироф этилган, айнан унинг сай-ҳаракатлари билан 1396 йилда Никопол (Болгария) остонасида мусулмонларга қарши юриш бошлаган салбчиларни тор-мор этиб, уларнинг Шарққа қараб қўролни юришлар уюштириш

ниятларини чиппака чиқарганди. Ана шундай буюк усмонли султоннинг тамом синдирилгани ва асирга олингани энди улар учун ҳайратланарли ва гаройиб воқеа эди. Генуялықлар Олтин Шох бўғозиди Пера қалъеси узра Темурибекнинг байроғини кўтаришди. Константинопол Императори ва Миср султони Темурибек давлатини тан олиб, уни совға-саломлар билан сийлашга ошиқдилар. Англия қироли Генрих IV ва Фаранг қироли Карл IV уни энг зғу сўзлар билан қутлашди. Испания қироли Генрих III Руи Гонзалес Клавихо бошчилигидаги зодагон элчиларини унинг ҳузурига жўнатди. Европа қўрқув билан унинг бостириб келишини кўтди. Аммо бу гал ҳам Темурибек Кўрагоний-ўзининг отлик лашкарларини Самарқанд томонга буриб, уларни ҳайратда қолдирди.

(Давоми бор) **Тўлқин ҲАЙИТ таржимаси**

¹ Мақола қисқартирилган ҳолда босилмоқда

ВАРШАВАДА ЎЗБЕК ОЛИМИ АСАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Варшавадаги Польша давлат архивида Самарқанд давлат университети профессори Ш.Пиримкуловнинг «Ўзбекистонга депортация этилган поляклар, 1941-1946» номи китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Польша парламенти, Фанлар академияси, Варшава университети, дипломатия корпуси, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Польша давлат архиви директорининг ўринбосари В.Степняк маросимда сўзга чиқиб, Ш.Пиримкуловнинг ушбу асари тақдимоти Польша — Ўзбекистон ҳамкорлиги самарали ривожланиб бораётганидан аққол далолат берувчи унутилмас воқеа эканини таъкидлади. Ўзбекистоннинг Польшадаги муваққат ишлар вакили Ж.Изамов ўз қизиқишида ма-

кур асар тақдимоти Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳамда Польшанинг собиқ раҳбари А.Квасньевский ташаббускорлигида илгари сурилган архив материалларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлари раҳбарлари ишнинг мантқиқий давоми эканлигини қайд этди. — Ўзбекистон ўз архивларидаги 500 дан зиёд шахсий ҳужжатлар тўпламини бегараз ёр-

дам тарикасида Польшага тақдим этган МДХдаги биринчи мамлакатдир, — деди Ж.Изамов. — Катта хизматлари ҳамда Ўзбекистон — Польша ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган хиссаси учун профессор Ш.Пиримкулов Польша Президентининг фармонида биноан «Официерларнинг хоч мукофоти» билан тақдирланди.

Варшава университети профессори А.Гловацкий «Ўзбекистонга депортация этилган поляклар тақдирини ҳақида»ги маърузасини тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилди. Унда иккинчи жаҳон уруши жабр-ситамлари бирорта ҳам давлатни, жумладан, Ўзбекистон ва Польшани ҳам четлаб ўтмагани қайд этилди.

— Уша қийин қўнлари юзлаб поляклар Ўзбекистондан бошпана ва меҳр топдиларки, у қўллаб қўрдошларимизнинг иккинчи ўйига айланиб қолган, — деди А.Гловацкий. — Ҳарбий даврнинг барча қийинчиликларига қарамай, оддий ўзбеклар ўзларининг сўнги бўлак нонини поляклар билан баҳам қўришди, юрдошларимиз учун яшаш шартларини яратиб беришди. Асар муаллифи тўплаганларни ўз китобининг мазмуни ва яратилиш тарихи билан таништира экан, мазкур нашр Ўзбекистон ва Польша халқларини боғловчи тарихий воқеалар баёнининг биринчи босқичи эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Жаҳон» АА Варшава

● Спорт

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ИМКОНИЯТИ ҚАНДАЙ?



БУГУН ЎЗБЕКISTON ТЕРМА ЖАМОАСИ БАА ФУТБОЛЧИЛАРИГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ТУШАДИ

1-15 декабрь кунлари Доха (Қатар)да XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Қўшмамамлакатлик футболчи мусобақасини футбол учрашувлари бошлаб беради. Миллионлар ўйинининг гуруҳ баҳсларига бугун старт берилади.

XV Осиё ўйинлари низомига кўра, футбол бўйича терма жамоабилан асосан 23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат таркиб билан иштирок этмоқда. Рауф Иниев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг «А» гуруҳидан жой олган. Ҳамюртларимиз бу гуруҳда мезбонлар — Қатар, Бирлашган Араб Амириклари



ҳамда Тожикистон терма жамоалари билан ўзаро куч синашади. Мусобақанинг қолган гуруҳларида эса қуйидаги жамоалар кейинги босқичга чиқиш

учун кураш олиб боради. «В» гуруҳи: Жанубий Корея, Баҳрайн, Вьетнам, Бангладеш. «С» гуруҳи: Таиланд, Қувайт, Иордания, Фаластин. «Д» гуруҳи: Ироқ, Хиндистон, Гонг-

конг, Мальдив ороллари. «Е» гуруҳи: Хитой, Уммон, Сурия, Малайзия. «F» гуруҳи: Япония, ҚХДР, Қирғизистон, Покистон. Гуруҳ босқичи голибларидан ташқари, энг яхши ўринга эришган иккита иккинчи ўрин соҳиб чорак финалга йўлланма олади. Ўзбекистон терма жамоаси бугун илк учрашувда Бирлашган Араб Амириклари футболчиларига қарши майдонга тушади. Мусобақа мезбонлари эса тожикистонликлар билан баҳс юритадилар. Вакилларимиз гуруҳдаги кейинги учрашувларни 2 декабрда Қатар ҳамда 5 декабрь куни Тожикистон терма жамоаларига қарши ўтказишади.

Эркин ХОЛБОБО

● Озод юртим — обод юртим

ОРАСТАЛИККА ҲАММА МАСЪУЛ

Маълумки, мамлакатимизда ободонлаштириш ва қуқламзорлаштириш ишлари жадал олиб боришмоқда. Бунинг биринчи Тошкент шаҳри мисолида ҳам қўриш мумкин. Яшил худудлар қўлайиб, шаҳар ўзгача чирой очди. Эндиликда эса олдимизда ушбу иншоотларни, кўчалару хиёбонларни тоза сақлаш ва уларни шахримиз меҳмонларига кўрсата билишдек масъулиятли вазифа турибди. Айниқса, пойтахтнинг Юнусобод ҳамда Чилонзор туманлари амалга ошириляётган ишлар кўлами билан ажралиб туради.

— Юнусобод туманида 15 сентябрдан 1 ноябрга қадар ободонлаштириш ишлари олиб борилди, — дейди Юнусобод тумани хокимининг биринчи ўринбосари Баҳодир Музаев. — Туман маъмурий чикиндилардан тозаланди. Худудда тозалық ҳолати яхшиланди. Деярли барча оқова сув тизимлари қайтадан тикланиб, у ерларда тўпланган чикиндиларни олиб ташлаш бўйича чоралар қўрилди.

Бундай масъулиятли вазифани амалга оширишда Тошкент шаҳар ИИББ Экология ва тозалықни муҳофаза қилиш алоҳида милиция батальонининг ҳам муҳим ўрни бор. Мазкур батальон 2000 йилда Тошкент шаҳар хокимлигининг қарорига асосан ташкил этилган. Ҳозир Тошкент шаҳар худудидаги мавжуд 11 та туман бўлимида батальон ходимлари хизмати йўлга қўйилган. Улар ўзларига бириктирилган худудларда маъмурий чикиндилар ўз вақтида олиб кетилишини, шох-шаббалардан тозаланишини ва турар-жойлар атрофида озодлик таъминланишини назорат қилиб борадилар. Батальоннинг туманга би-

риктирилган 24 нафар вакили хокимлик ходимлари билан биргаликда худудда экологик муътадил вазиятни қарор топтириш учун аҳоли ўртасида тарғибот ишларини ҳам олиб боришмоқда. Туман худудида жойлашган Олой ва Юнусобод бозорларидаги тозалық ҳолати бир ой илгари ҳолатга нисбатан анча яхшиланди. Қолаверса, бозорлар ва кўча четларида яқка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларнинг санитария қондаларини бузмаган ҳолда иш юритишлари назорат қилинмоқда. Лекин таъкидлаш жоизки, тумандаги, Феруза мавзеси, Аҳмад Дониш, Амир Темури шохкўчаларидаги йўл чеккаларида, маҳалла худудларида, кўп қаватли уйларнинг ораларида ноқонуний савдо қилаётган, худуд чиройига соя солувчи савдо шохобчалари фаолият юритаётганлиги аниқланди. Шу кунга қадар белгиланмаган жойда савдо қилувчи ана шундай савдо шохобчаларидан 371 таси олиб ташланди.

Туман худудидаги 29 минг тупдан ортқ дарахтнинг шох-шаббалари кесилиб, уларга шакл берилди. Хусусан, Фани Мавлонов, Теша Зоҳидов номи кўчаларидаги сунъий чикиндиларнинг ҳосил қилиш ҳолатлари Экология ва тозалықни муҳо-

фаза қилиш алоҳида милиция батальони ходимларининг сай-ҳаракатлари билан батамом бартараф этилди. Айни дамда туманимиз аҳолиси орасида батальон хизматчилари билан биргаликда худуд озодлигини, мавжуд бино ва боғларга шикаст етказмай сақлаш хусусида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Аммо аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини ошириш зарур деб ўйлайман. **Рустам ЭРГАШЕВ, Қулқўрғон фуқаролар йиғини раиси:** — Маҳалламиз асосан шахсий уйлардан иборат бўлиб, 406 хонадонда 3279 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладаги мавжуд 9 та кўчада бугунги кунда қуқам ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Ҳозирда батальон ходими Зафар Соибназаров билан биргаликда маҳалладаги «Чимкент йўли» ва Аҳмад Дониш кўчаларида ободонлаштириш ишлари бош-қошимиз. Қолаверса, айни ҳазонрезги мавсумида тўқилаётган дарахт барглари, қовжирган ўт-ўланларнинг аҳоли томонидан ёқиб юборилишининг олдини олишга ҳаракат қилинляпти. — Бизнинг «Бўрижар» маҳалламизда аҳоли асосан кўп қаватли уйларда яшайди, — деди Чилонзор тумани «Бўрижар» маҳалласи оқсоқоли

Файрат Абдуллаев. — 36 миллатдан ортқ 5 мингга яқин аҳоли уйларининг йўлакларини, уй майдончаларидаги дарахт ва гулзорларни, оқова ариқларини ҳамма обод сақлашга ҳаракат қилади. Улар бу ишларни амалга оширишда махсус сақлаш хусусида тушунтириш ширкати, округ раҳбарлари, санитария эпидемиология станцияси ходимлари ёрдамига таянмоқдалар. Натижада худудимизда жорий йилда салбий санитария ҳолатлари кузатилмади. Маҳалламизда худуд озодлигини, тозалық ҳолати меъёларини сақлашда фаолият кўрсатганлар шаҳар ва туман хокимлиги томонидан рағбатлантириш тарзида коммунал тўловлардан пропарционал равишда озод қилинади ёки уларга имтиёз берилади. Маҳалланинг айни вақтдаги ҳолати бундан бир йил аввалги манзарадан тубдан фарқ қилади. Уйларнинг йўлакларига турли расмлар чизиб, ёзувлар ёзиш, дарахтларни синдириш ҳолатларига барҳам берилди. Бунга эришишда маҳалла фаоллари Экология ва тозалықни муҳофаза қилиш алоҳида милиция батальони ходимлари, округ раҳбари Қўбилжон Тоймухамедов, «Бўрижар» ширкати бошлиғи Саидмурод Ҳамроалиевларнинг улуши катта бўляпти.

Дарҳақиқат, маънавиятли, маърифатли инсон ўз уйини, маҳалла худудини пок сақлашга интилиб яшайди. Юрт ободлиги, маҳалламиз орасталықига ҳар биримиз масъуллиқ ҳиссини тўйиб яшашимиз зарур. Зеро, аҳолининг юксак санитария маданияти обод юрт қафолатидир. **Наргиза ПИРНАЗАРОВА «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎҚУВЧИ-ҚИЗЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ



Шу кунларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан республика ўрта махсус касб-хўнар таълим тизимидаги академик лицей ва касб-хўнар коллежлари ўқувчи-қизлари ўртасида «Ўқувчи-қизлар спорт фестивали» уюштирилмоқда. «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзи» шiori остида ўтаётган мазкур тадбир дастлаб академик лицей ва касб-хўнар коллеж-

ларида ташкил этилиб, сўнгра туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилиши кўзда тутилган. Жойларда жисмоний тарбия ва спорт омавийлигини ошириш, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилувчи ушбу фестиваль волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, сузиш спорт турлари бўйича ўтказилимоқда. Айни пайтда «Ўқувчи-қизлар спорт фестивали» жойларда катта спорт байрамлари тусини олаётир. Қуни кеча ана шундай тадбир 1-Республика тибийёт

коллежиди бўлиб ўтди. — Ўқув муассасамизда уч минг нафарга яқин қиз тахсил олади, — дейди коллеж жисмоний тарбия ўқитувчиси Шўхрат Авлиёқулов. — Уларнинг соғлом ва баркамол улғайишларида, бўлажақ спорт юлдузларини излаб топишда бундай тадбирнинг аҳамияти беқеъс. Коллежимизда уюштириляётган спорт фестивалида барча қизларимиз фаол иштирок этишмоқда. Натижалар чаккимас. Энди дастлабки босқичда сараланган ўқувчи-қизларимиз билан шаҳар миқёсидаги бахсларда коллежимиз шарафини ҳимоя қиламиз. **Суратларда:** фестиваль дастуридан жой олган волейбол мусобақасидан лавҳалар. **Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.**

КОМПЬЮТЕРГА ҚАРШИ ДОНА СУРИБ

Шу кунларда Бонн шаҳрида россиялик гроссмейстер Владимир Крамник «Deep Fritz» дастури жойланган компьютерга қарши дона сурмоқда. Дастлабки ўйинда томонлар дуранга рози бўлишди. Оқ доналар билан ўйнаган гроссмейстер 17-юришда рўхни алмаштириб, эндишлгга эришди. Бу билан инсон боласи компьютер олдида ўз тафаккури билан ажралиб туришини намойён этди. Лекин компьютер ҳам бўш келмасдан, муносоиб химояланди ва 47-юришга борганда томонлар битимга келишди. Иккинчи учрашув эса кеча бўлиб ўтди.



BOSH MUHARRIR:	Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:	Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Turabjon JO'RAYEV Feruz NAZIROV Ulug'bek MUSTAFOYEV Baxtiyor DO'SJONOV Farruh HAMROEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
	Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
	Nomoz SA'DULLAYEV Akbar JONUZOQOV Muslihidin MUHIIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul ko'lib)
MUASSIS:	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO' LIMLAR:	Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Ekologiya va salomatlik 133-44-55 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul ko'lib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-22-32 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termezda — 3-79-98
MANZILIMIZ:	70000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz Navbati: Akbar JONUZOQOV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiyot ruxsati bilan amalga oshiriladi. Г — 1350 7112 nusxada bosildi 1 — Тижорат материали O'ZA yakuni — 20.45 Topshirish vaqti — 23.00 1 2 3 4 5 Sotuvda erkin narxda